МАТННИ ТУШУНИШДА ЛИНГВОПОЭТИК ТАҲЛИЛНИНГ АҲАМИЯТИ

Я.Умарова

Рассматривается роль лингвопоэтического анализа в понимании художественного текста, а также в формировании навыков эстетического восприятия литературного произведения у учащися общеобразовательных школ.

The role linguopoetical analysis in understanding of the literary text, and also in formation of skills of aesthetic perception of a literary work by learners comprehensive schools is considered.

Олимлар тушуниш жараёнини бир неча даражага бўладилар. Жумладан, В.П.Белянин матнни тушунишни уч даражага бўлиб, биринчи даража – бошланғич даража, иккинчи даража – мазмун мундарижани тушуниш даражаси, «учинчи даража энг юқори даража бўлиб, у матнда қандай гап нима учун ва қандай лисоний воситалар билан берилганини тушуниш билан характерланади» [1.10], дея изоҳлайди. С.С.Касабян фикрича: «Руҳшунослар тушунишнинг икки асосий даражасини ажратадилар: 1) «маъно» даражасида тушуниш; 2) «маъни (фикр)» даражасида тушуниш. Биринчи даража устувор даражада тушунишнинг тўлиқлиги билан, иккинчи даража эса – чуқурлик даражаси билан боғлиқ» [2.9].

Шундай экан, бадиий матнларни тушунишда тил воситаларининг ифодадорлик даражаси, маъно ифодалашдаги бўёқдорлиги каби хусусиятларини ўқувчилар кетма-кет, босқичма-босқич билиб боришлари лозим. Демак, бугунги кун тил таълимини мазмунли шакллантиришда бадиий матн билан ишлаш, матнни тушуниш ва таҳлил қилишга алоҳида аҳамият бериш даркор. Зеро, «матнда қўлланилаётган тил воситаларининг нозик маъно хусусиятларини тушунган ҳолда матнни ўрганишгина унинг тарбиявий ва эстетик аҳамиятини янада чуқурроқ ҳис этиш имкониятини беради. Бадиий асарлар матнининг ўзига хос муҳим хусусиятларидан бири лингвистик ранг-баранглик ва сўзлар орқали ифодаланадиган ички (яширин) маънодир» [3.248].

Матн мазмунини тўлиқ тушунишнинг ўзи, методист олимларнинг фикрича, бадиий образни идрок этишни ифодаламайди. Агар ўқувчи тил фанидан олган билим ва кўникмаларидан адабиёт дарсидаги насрий асарни ўқиш жараёнида фойдаланса, уни идрок эта олади. Ўқувчи ҳар қандай бадиий асарни бадиий идрок қила олиши, матн юзасидан ўзининг ижодий фикр-мулоҳазаларини тил ҳиссига таянган ҳолда баён этишга кўникма ҳосил қилиши керак. Бунинг учун эса ўқувчиларнинг диққат-эътиборини матн таҳлилига қаратамиз.

«Ўранган қиз ичкари эшикдан ҳатлар-ҳатламас паранжини ирғитди ва ўзининг болалик руҳи билан югурганича бориб Зебини қучоқлади. Иккаласи қувона-қувона кўришдилар. Супурги етган жойидан нарига ўтмасдан ерга ёнбошлади…» [4- 6].

Матнда ўранган қиз Зебининг уйига кириб келиши ва у билан кўришганлик ҳолати тасвирланмоқда. Матн ўқувчилар томонидан худди шу даражадагина тушунилиб қолишига ўқитувчи йўл қўймаслиги керак. Аксинча, ўқитувчи ўқувчилар билан матнни таҳлил қилиши натижасида уларни тил ҳиссига таяниб, матнни онгли равишда идрок этишга, матннинг бадиий пишиқлигидан эстетик завқ олишига ўргатиши даркор. Ёзувчи нима учун қизни «Паранжи ўранган қиз» деб эмас, «ўранган қиз» дея изоҳлаган? Ушбу савол ҳар бир ўқувчининг матн ва матн таркибидаги сўзларга эътиборини кучайтиради. Агар матнда қизни паранжи ўранган қиз ифодаси билан тасвирлаганда, жумладаги асосий фикрлар ўртасида мантиқий номутаносиблик келиб чиқар эди. Негаки, «паранжи ўранган қиз» бирикмасида қизнинг анча улғайган, оғир, вазмин, ўйчан, ҳаёт ташвишларини ўйлайдиган, ҳар бир қадамида номаҳрамлар назаридан ҳимояланиш каби тушунчаларни фикр қиладиган қиз сурати пайдо бўлар эди. Бундан ташқари, жумланинг кейинги қисмида «ўзининг болалик руҳи билан югурганича бориб Зебини қучоқлади» ифодасига «Паранжи ўранган қиз» бирикмаси мазмунан мос келмайди. «Ўранган қиз» бирикмасида ҳаракатлари ҳамон ёш боладай, ўйноқи, шаддод, ҳаёт ташвишлари ҳақида зиғирча ўй-ташвиши йўқ, ҳали ҳамон ўзининг болалик руҳи билан яшаётган қизнинг қиёфасини кўриш мумкин. Паранжини қиз ўз розилиги, хоҳиши билан эмас, аксинча, «шундай юриш керак» ҳукми остидагина ўраган холос.

«Ўранган қиз ичкари эшикдан ҳатлар-ҳатламас паранжини ирғитди…» Агар жумла «Паранжи ўранган қиз» дея изоҳланганда «паранжи» сўзи такрор қўлланишига тўғри келар эди. Айни ўринда: «Ўранган қиз… паранжини ирғитди» мазмунидан қиз ҳали ҳамон ўзи ўраниб юрган паранжига кўника олмаган. Ундан безор бўлган, уни ўзиникидек қабул қилмаяпти. Негаки, жумланинг «паранжини ирғитди» ифодасида III шахс эгалик қўшимчасининг қўлланмаганлигидан қизнинг паранжига умуман кимникидир – омонатгина фойдаланаётган буюмдек қараётганлик кайфиятини ҳис қиламиз.

Ўқувчиларга жумладаги «ирғитди» сўзининг маънодошларини келтириш ва улардан бирини жумла мазмунига таъсир қилмаган ҳолда алмаштириш топшириқ қилинади. Бу топшириқ ўз навбатида уларни сўзнинг маънодошларини ўйлашга ундайди. Ўқувчилар тилимизда отмоқ, улоқтирмоқ, ирғитмоқ, итқитмоқ каби маънодош сўзлар қатори мавжудлигини таъкидлашади. Ўқувчилар матндаги «ирғитмоқ» сўзида ҳаракатнинг жаҳл аралаш амалга ошишидан иборат қўшимча маъно нозик-

лиги мавжудлигини тушунтирадилар. Шунингдек, «ирғитмоқ» сўзини бошқа маънодошлари билан алмаштирилса, матн мазмунига путур етиши, сўздаги маъно жилоси йўқолишини таъкидлайдилар.

Матннинг кейинги қисми: «Супурги етган жойидан нарига ўтмасдан ерга ёнбошлади» жумласида маъно кўчишининг қандай тури қўлланганлигини ўқувчилардан сўраш орқали таҳлил давом эттирилади. Ўқувчилар жумлада «супурги етган жойидан нарига ўтмасдан»; «супурги ерга ёнбошлади» каби супургининг жонлаштирилиши натижасида метафорик усулда маъно кўчганлигини баён қиладилар. Худди шу ўринда ўқитувчи таҳлилнинг иккинчи қиррасига эътибор қаратиши лозим. Ўқувчилардан мазкур маъно кўчишларнинг ифодасида қандай яширин маънони сезиш мумкинлиги ҳақида сўралади. Улар қуйидагича жавоб беришлари мумкин: Зеби дугонаси кириб келгунга қадар қўлида супурги билан ҳовлини бир маромда супураётганлигини, дугонасини кўриши биланоқ қувонганидан супургини бир четга олиб қўйишни ҳам унутиб, уни ўша ернинг ўзига ташлаганлик ҳолатларини сезиш мумкин. Ўқитувчи ўқувчилардан жумладаги «ёнбошлади» сўзининг маъносини ва мазкур сўзнинг матн мазмунига қай даражада таъсир қилаётганини сўрайди. Ўқувчилар “ёнбошлади” сўзининг матндан ташқари ҳолатда ифодаловчи маънолари ҳақида ўз фикрларини баён қиладилар. Улар “ёнбошлади” сўзи инсоннинг чарчоқдан бироз мизғиши, бироз нафас ростлаши, дам олиш учун ётганлик ҳолатини ифодалаб, ўз навбатида, “ухламоқ” сўзининг маъносини ҳам англатишини таъкидлайдилар. “Ухламоқ” вақти аниқ белгиланмаган муддатдаги уйқудир. Бироқ, матн мазмунига аҳамият қиладиган бўлсак, “ёнбошлади” сўзида “ухламоқ,” мазмуни эмас, аксинча, ватинчалик дам олиш, бироз мизғиб олиш, бир нафас дам олиш каби маъноларни сезиш мумкин. Бундан ташқари мазкур сўзнинг матн таркибида “супургининг омонатгина ёнбошлаши, бир фурсатгина тин олиши”, яъни супуриш ҳаракатининг яна давом эттирилиши каби яширин маъно сезимлари ўз ифодасини топган. Ўқитувчи шу ўринда ўз ўқувчиларига: “Матнда нима учун айнан “ёнбошлади” сўзи ифодаланмоқда? Мазкур сўз ифодаси орқали матнда яна қандай маъноларни илғашимиз мумкин? Матнда айни шу сўзни қўллашдан мақсад нима эди? “Ёнбошлади” сўзининг ўрнига шу сўз маъносини ифодаловчи бошқа сўз қўлланса матн мазмунига қандай таъсир қилади?” каби саволлар берса, матн устида олиб борилаётган таҳлил жараёни янада муваффақиятли натижа беради. Ўқувчилар ушбу саволларга жавоб бериш учун матн таркибидаги барча сўз, сўз шаклларига янада “чуқурроқ”, жиддийроқ этибор беришга уринади. Айниқса, улар матндаги тил бирликларининг ифодасидан яширин маъно қирраларини очишга ҳаракат қиладилар. Ўқувчилар саволларга жавоб излаш орқали матндаги ҳар бир ифодани (шаклни) ўз маъносидагина эмас, унинг қўшимча маъно оттенкасини ҳис қилишга, ички маъно жилосини бадиий идрок қилишга ўрганиб, матн мазмунини “маъни (фикр)” [2.9] даражасида тушунишга ҳаракат қиладилар. Демак ўқувчилар саволларга қуйидагича жавоб берадилар: Матнда айнан “ёнбошлади” сўзи замирида ҳаракатнинг оҳиста, секингина, юмшоқлик билан бажарилишини кўриш мумкин. Шу билан биргаликда “ёнбошлади” сўзи орқали иш-ҳаракатни бажарувчи шахс – Зебининг табиатига хос бўлган фазилатларни ҳам илғаш мумкин. Негаки, юқорида “Ўранган қиз... – паранжини ирғитди” жумласининг таҳлилида қизнинг табиатига хос бўлган ёш боладай шўҳлик, ўйноқилик, шаддодлик каби руҳий ҳолатларни сезган эдик. Қолаверса, “... паранжини ирғитди” ифодасига таянган ҳолда иш-ҳаракат қизнинг табиатига хос бўлган тезлик билан, шиддат билан, албатта жаҳл аралаш бажарилаётганини айтган эдик. Бироқ, Зебининг бир маромда бажараётган иш-ҳаракатининг “бироз муддатга ёнбошлаши” натижасида икки дугонанинг икки хил табиатинигина эмас, балки бир вақтнинг ўзида иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги кучли ва бетакрор зидланишни кўра оламиз. Биргина “ёнбошлади” сўзи орқали Зебининг табиатига хос бўлган юмшоқлик, мулойимлик, очиқ кўнгиллик, оғир-вазминлик, ўйчанлик, мулоҳазалилик каби фазилатларни илғаш мумкин. Агарда матнда “ирғитди”, “ёнбошлади” сўзлари ўрнига уларнинг маънодошларидан бирини қўллайдиган бўлсак, юқорида айтиб ўтилган маъно товланишлари ўз жилосини йўқотади.

Маъно товланишларига эга бўлмаган ҳар қандай матн ўқувчиларни зериктиради, уларнинг дунёқарашини, тил ҳиссига таянган ҳолда илмий-ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантирмайди. Шундай экан, биз – тил ва адабиёт ўқитувчилари ҳар қандай бадиий матнни таҳлил қилишда ўқувчиларни матндаги тил ҳодисаларини, тасвирий воситаларни топишга эмас, аксинча ана шу ҳодисалар орқали матнда қандай маъно нозикликлари ифодаланмоқда каби саволга жавоб излашга ўргатмоғимиз даркор.

Ўқувчилар билан матнни бу усулда таҳлил қилиш орқали уларни матннинг ҳар бир сўзига, ҳар бир қисмига алоҳида эътибор беришга, улардан англашилаётган қўшимча маъно жилоларини бадиий идрок қилишга ўргатиш мумкин. Бунинг натижасида ўқувчиларнинг ижодий фикрлашларини ўстириб, фикрий қобилиятларини ривожлантиришга эришилади.

Адабиётлар:

1. Белянин В. П. Введение в психолингвистику.- М., 2001.- С.10

2. Касабян С. С. Формирование и развитие интереса к русской литературе у учащихся Армянской школы: Автореферат дисс… канд. пед. наук. – М. 1983.- С.9.

3. Винокур Г. О. Избранные работы по русскому языку.- М., 1958.- С.248.

4. Чўлпон. Кеча ва кундуз. – Т.: Шарқ, 2007.- Б.6

Андижон давлат университети,
2011 йил 25 январда қабул қилинган.
(Тақризчи: п.ф.д. Ш.Юсупова)